



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



<b>Шахноза Махмудовна Латипова</b> Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
<b>Умид Холбоевич Холбоев</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
<b>Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
<b>Нигина Маруповна Усманова</b> Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Алишер Абдуганиевич Эшгаев</b> Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
<b>Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov</b> Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
<b>Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov</b> Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
<b>Адхам Итолмасович Рахматов</b> Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
<b>Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова</b> Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov</b> Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
<b>Zulfiya Musayevna Usmanova</b> Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
<b>Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов</b> Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
<b>Shokhista Bahridin kizi Turdieva</b> Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
<b>Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov</b> Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Азиза Махомадризовна Каримова</b> Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

5. Очилов И. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. - Т.: “Iqtisod-moliya”, 2011.;
6. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2011-172 б.;
7. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Очилова Ҳ.Н., Кўзиёв З. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорликни ошириш масалалари. Монография, Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020 -260 бет.
8. Пардаев М., Мирзаев Қ., Пардаев О. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2014. 384 бет.
9. Пардаев М.Қ., Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. “Сервис” Ж. №1, 2009.;
10. Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. Тошкент., ТДИУ. 2017 й. 63 б.

<b>Н.Усманова</b>	<b>N.Usmanova</b>
<b>Проблемы эффективной организации книжной торговли и некоторые рекомендации по их решению</b>	<b>Problems of the efficient organization of the book trade and some recommendations for their solution</b>
<p><b>Аннотация:</b> в статье рассматриваются проблемы эффективной организации книжной торговли и некоторые рекомендации по их решению. В ней приводится анализ «Страны с самым грамотным населением в мире» согласно Международному индексу культуры. Родственные проблемы в книжной торговле показаны в семи направлениях. Для устранения указанных проблем сформулированы шесть предложений и рекомендаций, направленных на совершенствование книжной торговли в нашей стране.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> книга, книжная торговля, чтение книг, книгоиздание, потребность в книгах, спрос на книги, предложение книг.</p>	<p><b>Abstract:</b> the article deals with the problems of the effective organization of the book trade and some recommendations for their solution. It provides an analysis of the "World's Most Literate Countries" according to the International Culture Index. Related problems in the book trade are shown in seven directions. To eliminate these problems, six proposals and recommendations aimed at improving the book trade in our country have been formulated.</p> <p><b>Keywords:</b> book, book trade, reading books, book publishing, need for books, demand for books, supply of books.</p>

**Фарход Анварович Сафаров** – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти в.б., PhD.

### ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

<p><b>Аннотация:</b> мазкур мақола хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамиятига бағишланган. Унда инновация тушунчаси, унинг таърифи ва хусусиятларига бўлган ёндашувлар таҳлил қилинади. Инновацияларнинг иқтисодий самарадорликни таъминлаш воситаси сифатида тадқиқи амалга оширилган. Шу билан бир қаторда, мамлакатларнинг инновацион жихатдан ривожланганлик даражасини баҳолаш воситаси сифатида кўриладиган инновацияларнинг глобал индекси тўғрисида фикр юритилган. Ушбу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида маълумот берилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> хизмат кўрсатиш, инновация, янгилик, илмий-техник янгилик, самарадорлик, тараккиёт, глобал инновацион индекс.</p>
---

**Кириш.** Бугунги кунда ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланиши янги истеъмол қийматини яратиш, молиявий натижаларни яхшилаш ва самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларида янгиликлардан фаол фойдаланишга асосланади. Шу билан бир қаторда, инновациялар ҳаёт сифати ва хавфсизлигини ошириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш орқали жамият фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари, рентабелликнинг пасайиши,

бюджет тақчиллигининг ортиши ва даромадларнинг камайиши билан ажралиб турадиган ўтган асрнинг 80-йилларининг бошидаёқ дунёнинг кўплаб иқтисодийлари аста-секинлик билан курила бошлаган. Бунда интернет инновацияларга асосланган шаклланаётган янги иқтисодийларни ривожлантириш учун инфратузилма бўлиб хизмат қилди.

**Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.** “Инновация” тушунчасининг ўзи XIX асрда пайдо бўлган ва бир тизим элементларини бошқа тизимга ўтказиш маъносида тушуниладиган. XX аср бошларида “инновация” атамасини биринчи бўлиб Й. Шумпетер<sup>1</sup> ва В. Зомбарт<sup>2</sup> ўзларининг иқтисодий ишларида қўллашган. Шундай қилиб, “инновация” тушунчаси лотин тилида “йўналиш бўйича ҳаракат” деган маънони англатади, инглиз тилидан эса “янгилик киритиш”, “янгилик” деб таржима қилинади. Илмий ҳамжамиятда “инновация” тушунчасининг мазмун ва моҳият жиҳатидан ҳамда унинг ўхшаш маънога эга бўлган бошқа тушунчалардан, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, “янгилик киритиш” тушунчасидан фарқи борасида мунозаралар олиб борилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида илмий адабиётларда келтирилган назарий материалларга асосланган ҳолда мантиқий таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублар ва ёндашувлар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Корхоналарда инновацион технологияларнинг асосий қоида ва категорияларини ўрганиш учун “инновация” тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини тўлиқ англаб етишимиз лозим. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “инновация” атамаси инглиз тилидаги “*innovation*” сўзидан олинган бўлиб, киритилган янгилик, ихтиро<sup>3</sup> деган маъноларни англатади. Ўша жойнинг ўзида ушбу атамага учта изоҳ берилган. 1. Техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодийга сарфланган маблағлар. 2. Илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши. 3. Муайян тилда, асосан унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)<sup>4</sup>. Иқтисодий адабиётларда инновация (ингл. *innovation*) – потенциал илмий-техник тараққиётни (ИТТ) янги маҳсулот ва технологиялар кўринишида реал тараққиётга айланиши, деб таърифланади. Бозор иқтисодиётида инновацияларни тизимли тақдим этиш услубияти халқаро стандартларга асосланган ва уларга мувофиқ инновация деганда, бозорга кириб келган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланилаётган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга бўлган янги ёндашув кўринишидаги инновацион фаолият натижаси тушунилади. Инновация бу инсоннинг ҳаёлида, ижодида етилган, пишган, ақлий меҳнатнинг якуний натижаси сифатида ўйлаб топилган, жорий қилинган, киритилган, ишлаётган янгиликдир. Ушбу муаммо бўйича кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамастан, бугунги кунда инновацион фаолият соҳасида ягона, умумий тарзда қабул қилинган терминология мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам адабиётларни қисқача таҳлилини келтириш ва инновациявий фаолият соҳасидаги асосий тушунчаларни конкретлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновацион назариянинг асосий ривожланиш босқичи В. Зомбарт ва Й. Шумпетер ишларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й. Шумпетер катта ҳисса қўшган. Й. Шумпетер конъюнктура силжишлари манбаларини таҳлил қилиш натижасида, ишлаб чиқариш ва бозор ривожланишидаги ўзгаришларнинг янги омилларини ажратди ва уларга қуйидагиларни киритди:

- янги хусусиятларга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- янги илмий кашфиёт ёки тижоратлаштириш усулига асосланган ишлаб чиқаришнинг

<sup>1</sup> Шумпетер, Й. Теория экономического развития/Й. Шумпетер. — М.: Прогресс, 1982. — 455 с.

<sup>2</sup> Зомбарт В. Избранные работы. — Litres, 2022.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80000 дан ортиқ сўз бирикмаси. Ж.И.Б.-М-Т “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИИ. 2006. 213 бет

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати 80000 дан ортиқ сўз бирикмаси. Ж.И.Б.-М-Т “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИИ. 2006. 212 бет

янги услубини жорий этиш;

- саноатнинг мазкур тармоғида тақдим этилмаган янги савдо бозорларини ўзлаштириш;
- хом-ашёнинг янги манбаларидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг тегишли тарзда қайта ташкил этилишини амалга ошириш, масалан, монополликни таъминлаш.

Муайян янгилик даражасини баҳолаш ва конъюнктура силжишларининг давомийлигини аниқлаш учун Й. Шумпетер янгилик мезонини киритди ва ушбу мезон мазкур туркумлаштириш асосини ташкил этди. Шунингдек, 1930-йилларда Й. Шумпетер томонидан фанга “инновация” тушунчаси киритилди ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирар эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й. Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг кенг тарқалган ёндашувлардан бирининг асосини ташкил этади. Биринчи ёндашув – янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, иккинчиси – янги маҳсулот ёки технологияга асосланган.

Й. Шумпетер ўз тадқиқотларида ривожланишда янги комбинацияларга оид масалаларни кўриб чиқади, инновацион жараённинг тўлиқ таърифини беради ва бешта намунали ўзгаришларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

- ишлаб чиқаришда янги техника, янги технологик жараёнлар ёки янги бозор таъминотидан фойдаланиш;
- янги сифатдаги маҳсулотларни яратиш;
- янги хом-ашёдан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ва унинг моддий-техник таъминотидаги ўзгаришлар;
- янги сотув бозорларининг пайдо бўлиши.

“Янгилик”, “янгилик киритиш”, “илмий-техник янгилик” каби атамаларни М. Портер<sup>1</sup>, Ж. Брайт<sup>2</sup>, Б. Твисс<sup>3</sup> каби олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам учратишимиз мумкин.

Шу билан бирга инновацияга кўпгина иқтисодчи олимлар ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Мисол учун Б. Санто инновацияга қуйидагича таъриф берган: “Инновация – бу ижтимоий-техник-иқтисодий жараён бўлиб, ғоя ва кашфиётлардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятига кўра яхшироқ бўлган маҳсулот ва технологиялар яратилишига олиб келади, агарда у иқтисодий фойда олишга йўналтирилган бўлса, унинг бозорда пайдо бўлиши кўшимча даромад олиш имконияти вужудга келтиради”.

Инновациялар иқтисодий самарадорлигини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор россиялик иқтисодчилар<sup>4,5</sup>, инновацияни “харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик” сифатида кўришган. Иқтисодчи олим А. Уткин<sup>6</sup> эса бозор шароитида корхоналарнинг муваффақиятли иқтисодий фаолият юритиши учун инновациялар муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, инновацияларни корхона иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий захиралардан бири сифатида тавсифлаган.

Инновация, инновацион фаолият, инновацион жараён ва шу каби тушунчалар бизнинг ҳар кунги ҳаётимизда, корхона фаолиятида ва иқтисодиёт тармоқларининг турли

<sup>1</sup> Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. – Альпина Паблишер, 1993.

<sup>2</sup> Бовин, А. А. Управление инновациями в организации / А. А. Бовин, Л. Е. Чередникова, В. А. Якимович. – 2-е издание, стереотипное. – Москва : Издательство “Омега-Л”, 2008. – 415 с. – ISBN 978-5-370-00224-3. – EDN TBCZNT.

<sup>3</sup> Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями/Б. Твисс. — М.: Экономика, 1989. — 271 с.

<sup>4</sup> Ионов М. Регулирование инвестиционной и инновационной деятельности. //Экономист. 1992. № 5. С. 36-43.

<sup>5</sup> Кулагин А., Логинов В. Структурные сдвиги и инновационный процесс. //Экономист. 1993. № 5. С. 37-46.

<sup>6</sup> Уткин А. В. Принципы и подходы к рациональной инновационно-инвестиционной деятельности в крупных республиканских, краевых и областных центрах //Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. – 2006. – №. 4. – С. 83-87.

жабҳаларида мустаҳкам ўрнашиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлашда ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда инновациялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Инновацион фаолиятни амалга ошириш ва амалиётга жорий этишда, энг аввало, асосий термин ва тушунчаларни аниқлаштириш лозимдир.

Инновациялар, ўз навбатида, давлат сиёсати инновацион ривожланиш йўлига қаратилган барча мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Мамлакатларнинг инновацион жиҳатдан ривожланганлик даражасини баҳолашда инновацияларнинг глобал индексдан фойдаланилади. Инновацияларнинг глобал индекси (The Global Innovation Index) –инновацияларнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичи бўйича мамлакатларни тадқиқ қилиш ва тадқиқот натижалари асосида мамлакатлар рейтингини тузишни кўзда тутди. Мазкур индекс 2007 йилдан буён INSEAD халқаро бизнес мактаби, Корнелл университети (Cornell University) ва Бугунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (World Intellectual Property Organization, WIPO) томонидан тавсия этилган услубиёт асосида ҳисоблаб келинмоқда ва у бугунги кунда мамлакатларнинг инновацион тараққиёт даражасини тўлалигича баҳолаш имконини беради. Инновациялар глобал индекси (The Global Innovation Index) 82 та ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан ташкил топган бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида бўлган мамлакатларнинг инновацион тараққиётни таъминлаш борасида эришган натижаларини баҳолаш имконини беради. Тадқиқот муаллифлари мамлакатда қанчалик инновацион тараққиётга интилиш кучли бўлса, мамлакат шунчалик иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланади, деб ҳисоблайдилар.

Мамлакатимиз Глобал инновацион индекс рейтингида 132 давлат орасида 86-ўринда қайд қилинди. Бу натижа мамлакатимизнинг рейтингдаги ўтган йилги ўрнидан 7, 2015 йилги ўрнидан эса 36 поғона юқори. Қатор индикаторларда 8 та йўналишда 8 поғонадан 42 поғонагача юқори босқичга кўтарилиш кузатилган. Айниқса, ахборот хизматлари экспорти бўйича 42 поғонага кўтарилиш қайд қилинган. Рейтингда мамлакатлар 4 та даромад гуруҳига бўлинган (юқори даромад, юқори ўрта, қуйи ўрта ва паст даромад) бўлиб, Ўзбекистон ўз гуруҳида (қуйи ўрта даромад) 34 давлат орасида 10-ўринни эгаллади ва қуйи ўрта даромадли мамлакатлар қаторида топ 10 таликка кирди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 2020 йилда мазкур рейтингда 93, 2015 йилда эса 122-ўринда қайд қилинган<sup>1</sup>.

Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацияларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти сифатида технология ва илмий-техник тараққиёт даражаси майдонга чиқади.

Жаҳон банки экспертларининг фикрича, бугунги кунда бугун дунё мамлакатлари “рақамли инқилоб”ни бошидан кечирмоқдалар. Улар бу борада бир қатор хулосаларни илгари сурадилар:

1. Интернет, уяли алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тараққий этиши рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;
2. Рақамли иқтисодиёт дунёнинг кўпгина мамлакатларида жадал тараққий этмоқда;
3. Рақамли иқтисодиёт дунё қиёфасининг тубдан ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимиз иқтисодиётига “рақамли технологиялар”ни жорий этиш бугунги кунда ўзининг потенциал имкониятларини кенгайтириш жараёнида бўлгани ҳолда, техник база, дастурий таъминотнинг номукамаллиги, аҳоли компьютер саводхонлик даражасининг пастлиги, рақамли технологиялар соҳасини тартибга солиш борасида қонунчилик базасининг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги каби омиллар компьютер технологияларини кенг жорий этиш ва бизнес муҳитига янги “рақамли технологиялар”ни интеграциялашувига тўсқинлик қилмоқда.

<sup>1</sup> World Intellectual Property Organization (WIPO) (2022). Global Innovation Index 2022: What is the future of innovation-driven growth? Geneva: WIPO. DOI 10.34667/tind.46596

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>1</sup>ги Фармони<sup>1</sup> мамлакатимизда рақамлаштириш борасида қўйилган дадил қадамлардан бири ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2021 йилда 2,2% ни ташкил этган бўлса, стратегияда кўзда тутилган мақсадлар доирасида мазкур кўрсаткични 2025 йилда 5,0% га, 2030 йилда эса 10% га етказиш кўзда тутилган.

Мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида Стратегияни амалга оширишнинг йўл харитасида электрон ҳукуматни ривожлантириш, рақамли индустрияни ривожлантириш, рақамли таълим, рақамли инфратузилмани ривожлантириш каби йўналишлар кўзда тутилади. Стратегияда келтирилган барча йўналишлар ушбу соҳаларда хизматларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Таълимни рақамлаштириш рақамли технологиялар соҳасидаги билим ва малакаларни кенгайтириш учун таълим хизматларини кенгайтиришни таъминлайди.

Жамият эҳтиёжларининг ўзгариши натижасида бозорда уларни тақдим этиш жараёнини яхшилашга қаратилган, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган янги хизмат турлари пайдо бўлади. Булар сирасига ижтимоий соҳа, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларида кўрсатиладиган хизмат турларини киритиш мумкин.

Инновацияларнинг яна бир омили – бу ташкилий ва бошқарув трансформациясини ривожлантириш, бизнес-жараёнларини қайта лойихалаштириш, замонавий ахборот-коммуникация ресурсларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини оширадиган замонавий дастурий таъминот тизимлари ва ИТ ечимларини жорий этиш бўйича вазифалардан ташкил топади. Қўйилган вазифаларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи муаммолардан бири – бу мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида юқори даражада интеграллашган самарали ахборот тизимларини жорий этишнинг бугунги кун талабларидан орқада қолаётганлигидадир.

Ф. Сафаров	F. Safarov
<p><b>Значение инновационных процессов в совершенствовании деятельности сервисных предприятий</b></p> <p><b>Аннотация:</b> данная статья посвящена значению инновационных процессов в совершенствовании деятельности предприятий сферы услуг. В ней анализируется понятие инновации, подходы к ее определению и характеристикам. Проведено исследование инноваций как средства обеспечения экономической эффективности. Кроме того, в статье обсуждается глобальный индекс инноваций, который рассматривается как индикатор оценки уровня инновационного развития стран. Представлена информация о реформах, проводимых в нашей стране, и их значении.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> сервис, инновации, новшество, научно-технические инновации, эффективность, развитие, глобальный инновационный индекс.</p>	<p><b>The importance of innovative processes in improving the activities of service enterprises</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article is devoted to the importance of innovative processes in improving the activities of service enterprises. It analyzes the concept of innovation, approaches to its definition and characteristics. A study of innovations as a means of ensuring economic efficiency has been carried out. In addition, the article discusses the global innovation index, which is considered as an indicator of assessing the level of innovative development of countries. Information is provided on the reforms carried out in our country and their significance.</p> <p><b>Keywords:</b> service, innovation, novelty, scientific and technical innovation, efficiency, development, global innovation index.</p>

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5030957>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023